

3-14-2019

## USING CLOUD TECHNOLOGY TO PROVIDE INFORMATION RESOURCES IN THE PROCESS OF DISTANCE LEARNING

Doniyor Eshbaevich Toshtemirov  
*Gulistan State University, toshtemirov73@mail.ru*

Latif Isomiddin o'g'li Berdiqulov  
*Gulistan State University*

Sadina To'ychiboy qizi Maksudova  
*Gulistan State University*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

---

### Recommended Citation

Toshtemirov, Doniyor Eshbaevich; Berdiqulov, Latif Isomiddin o'g'li; and Maksudova, Sadina To'ychiboy qizi (2019) "USING CLOUD TECHNOLOGY TO PROVIDE INFORMATION RESOURCES IN THE PROCESS OF DISTANCE LEARNING," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 4.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss1/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК 372.851: 372.800.2

**USING CLOUD TECHNOLOGY TO PROVIDE INFORMATION RESOURCES IN THE  
PROCESS OF DISTANCE LEARNING**

**МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ РЕСУРСЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ  
БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОБЛАЧНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ДЛЯ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ РЕСУРСОВ В ПРОЦЕССЕ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ**

**Тоштемиров Дониёр Эшбаевич, Бердикулов Латиф Исомиддин ўғли,  
Максудова Садина Тўйчибой қизи**

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4-мавзе

**E-mail:** toshtemirov73@mail.ru

**Abstract**

The article investigates the use of cloud technology to provide students with distance learning and discusses the ways how to use it. As a result of the development of information technology, students were given a set of new tools for providing information resources. A number of information technology systems have been created to store, process and access information for users. One of such systems is cloud technology. Leading IT companies recommend to use cloud technology for computer users. The article also provides information about companies offering cloud technology and their use of technology. It also discusses the benefits of cloud technology, its access and use, both in public and in private.

This article contains information about Onedrive.live.com and drive.google.com systems. Onedrive.live.com is a cloud storage service developed by Microsoft, an online services system. This system was recently named SkyDrive. Onedrive.live.com is an English word for a drive. OneDrive is one of the systems that allows you to store important content online for yourself. drive.google.com is recommended by Google.com. Thanks to drive.google.com technology, students can get informational resources such as lecture texts, presentation materials, practical exercises, exercises, and a set of topics.

**Keywords:** distance learning, cloud technologies, information resources, Internet technologies, onedrive, drive.google.

**Аннотация**

В статье рассматриваются вопросы использования облачных технологий для предоставления учащимся дистанционного обучения и их использования. В результате развития информационных технологий студенты были снабжены новыми инструментами для предоставления информационных ресурсов. Ряд систем информационных технологий был создан для хранения, обработки и доступа к информации для пользователей. Одной из таких систем являются облачные технологии. Ведущие компании в области информационных технологий рекомендуют облачные технологии для пользователей компьютеров. В статье также приводятся советы о компаниях, предлагающих облачные технологии и их использование технологий. В нем также обсуждаются преимущества облачных технологий, их доступ и использование как публичных, так и частных.

Статья содержит информацию о системах Onedrive.live.com и drive.google.com. Onedrive.live.com - это облачное хранилище, разработанное Microsoft, системой онлайн-

сервисов. Эта система была недавно названа SkyDrive. Onedrive.live.com - английское слово, обозначающее диск. OneDrive - это одна из систем, которая позволяет вам хранить важные материалы онлайн для себя. drive.google.com рекомендуется Google.com. Благодаря технологии drive.google.com учащиеся могут получать информационные ресурсы, такие как тексты лекций, презентационные материалы, практические тренировки, упражнения и набор тем.

**Ключевые слова:** дистанционное обучение, облачные технологии, информационные ресурсы, интернет-технологии, onedrive.live, drive.google.

Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати, биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ривожланишига боғлиқ. Ҳозирги кунда таълим мазмуни ва сифати масалалари жамиятда устувор йўналиш сифатида кўрилмоқда.

Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу борада, таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда замонавий педогогик ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш масаласи оммалашмоқда [1].

Тадқиқотнинг мақсади, ўқув жараёнида масофали ўқитиш учун ахборот таълим ресурсларни тақдим этишнинг замонавий технологиялари билан таништириш ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар тақдим этишдан иборат.

### **Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар**

Интернет технологияларининг ривожланиши таълим олувчиларга ахборот-ресурсларни тақдим этишнинг янги воситаларини яратилишига олиб келди. Ҳозирги кунда таълим муассасаларида масофали ўқитиш учун ахборот-ресурсларни тақдим этишнинг бир неча технологиялари жорий этилган. Шундан технологиялардан бири Булутли технологиялар ҳисобланади. Булутли технологияларни жорий қилиш ҳамда улардан фойдаланишга оид тадқиқотларни “Компьютер таъминоти” ўқув предметини ўқитиш мисолида қараб чиқамиз. Тадқиқот ишида кузатиш, таққослаш, тажирба ўтказиш ва умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

### **Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили**

Ўқув жараёнида қўлланилаётган масофали ўқитиш шакли ахборот-коммуникация технологиялари ва илмий асосланган ўқитиш усуллари қўллаб таълим олиш шаклидир. Ўқитишнинг бу шаклида ўқувчиларга мос таълим предметини эркин танлаш, ўқитувчи билан мулоқат қилиш шароитларини таъминлайдиган анъанавий, замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларига асосланадиган, ўқитиш жараёнида таълим олувчининг қаердалиги ва вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Масофали ўқитишда ўқув жараёнига тегишли бўлган барча компонентлар (мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакл, ўқитиш воситалари ва ҳоказо) Интернет технологиясининг техник ва дастурий воситалари билан амалга оширилади [2].

Булутли технологиялар асосида жуда кўплаб тизимлар фаолият кўрсатади. Уларга onedrive.live.com ва drive.google.com кабиларни келтириш мумкин (1-расм).



**1-расм. Булутли технологияларнинг тасвирланиши.**

Onedrive.live.com тизими Microsoft компанияси томонидан яратилган булутли хотира ҳисобланиб, у онлайн - хизмат кўрсатувчи тизимдир. Бу тизим бир оз олдин SkyDrive деб номланган эди.

Onedrive.live.com инглизча сўз бўлиб, бир диск деган маънони англатади. OneDrive ўзингиз учун керак бўлган муҳим материалларни онлайн сақлаш имконини берувчи тизимлардан биридир. Onedrive.live.com дастлаб фойдаланувчиларга 7 ГБ гача маълумотлар учун жой ажратилди. Microsoft мутахассислари томонидан дастурий таъминотнинг ривожланиши натижасида 15 ГБгача жой ажратилди. Microsoft компаниясида махсус ҳисоб қайдномаси ва юридик хизмат пакетига эга бўлганлар учун 25 ГБ гача онлайн хизмат кўрсатувчи дискдан жой ажратилди.

Onedrive.live.com тизими қуйидаги имкониятлардан фойдаланишни тавсия этади:

- эскизлар ёки слайдлар кўринишидаги ёзувларни олдиндан кўриш;
- ўзингизнинг шахсий маълумотларингизни барча учун фойдаланиш имкониятини яратиш;
- Android ва iPhone мобил тизимлар учун турли иловаларнинг мавжудлиги;
- бизнес учун тавсия этиладиган турли хил маслаҳатлар олишингиз мумкин;
- файлларни юклаш тартибини соддалаштириш;
- турли фойдаланувчилар ўз материалларини бошқалар билан алмашишлари мумкин;
- офис ҳужжатларини онлайн тарзда яратиш ва ундан фойдаланиш ва бошқалар.

Microsoft компаниясининг onedrive.live.com булутли технологияси сизнинг компютерингиз хотирасини банд қилмасдан кўпгина ҳужжатларни, шунингдек, турли шаклдаги (аудио, видео ва бошқалар) маълумотларни сақлаш имконини беради. Бундай булутли хотирага кириш ва маълумотлардан фойдаланиш учун Windows дан ташқари Android, Symbian ва Xbox тизимларига ҳам рухсат берилган.

Microsoftнинг onedrive.live.com булутли технологиясидан фойдаланиш учун энг асосий талаблардан бири Интернетнинг мавжудлиги ва махсус тизимнинг ўрнатилганлигидир.

Компьютер фойдаланувчиларига onedrive.live.com тизими муҳим маълумотларни сақлаш учун деярли чексиз имкониятларни очиб беради ва уларга қуйидаги хизматларни таклиф этади:

- аудио, видео ва фотосуратларни автоматик тарзда сақлаш;
- ижтимоий тармоқларга материалларни бир зумда юбориш;
- электрон почта хизмати ва онлайн материаллар билан ишлаш қобилияти ва бошқалар.

Компьютер фойдаланувчилари onedrive.live.com тизимида 5 ГБгача маълумотларни мутлақо бепул сақлаши мумкин. onedrive.live.com тизимидан фойдаланиш жуда осон, асосийси кўрсатмаларга қатъий риоя қилишдир.

Биринчиси, сиз Microsoft компаниясининг қайдани рўйхатдан ўтказишингиз керак. Бу уч босқичда амалга оширилади:

1. Windows нинг сўнгги версиясига эга эканлигингизга ишонч ҳосил қилинг. Рўйхатга олиш учун Hotmail почта кутисини ишлатишингиз керак.

2. Microsoft ҳисоб қайдномангиз билан кириш. Буни амалга ошириш учун "Ишга тушириш"ни танлаб, сўнг "Options" ни босинг, кейин "Ҳисоблар" - "Ҳисобингиз".

3. Сиз Microsoft ҳисоб қайдномасидан маҳаллий ҳисобдан чиқасиз. Кейинчалик Windows ни юклаб олаётганда, Microsoftнинг киришидан фойдаланувчи номи ва паролни киритишингиз керак.

Onedrive.live.com тизимида рўйхатдан ўтишнинг кейинги босқичида электрон почта ва парол киритилади. Шундан сўнг файлларни синхронлаш дарҳол бошланади. Синхронланадиган файлларнинг папкасини танланг, материалларни onedrive.live.com жилдига ўтказинг. Ушбу хизматда билан расм ва видеоларни автоматик равишда қандай қилиб сақлаш мумкин? Бунинг учун дастурни ўрнатиш вақтида сиздан дискка autosave буйруғини бажаришни сўрашингиз мумкин бўлган ойна пайдо бўлади.

Булутли технологиялардан яна бири drive.google.com деб номланган. Бу булутли технология Google.com компанияси томонидан тавсия этилган.


drive.google.com технологияси орқали маъруза матнлари, тақдимот материаллари, амалий машғулот ишланмалари, машқ ва масалалар тўплами каби ахборот-ресурсларни таълим олувчиларга тақдим этиш мумкин.

Бунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи drive.google.com да расмий рўйхатдан ўтиб, электрон почта очади, логин ва паролга эга бўлади. Тизим яъни google диск Сизга рўйхатдан ўтгандан сўнг, 15 Гигабайтгача ахборот ресурс жойлаштириш учун жой ажратади. Натижада Создать (яратмок) бўлимига кириб маълумотларни жойлаштириш имконияти яратилади.

Ўқитувчи талабаларга ахборот-ресурслардан фойдаланиш учун телеграмм орқали мурожат этишлари мумкин эканлигини айтади. Ҳар бир ўқитувчи томонидан телеграм канали очилади. Телеграф канали номи талабаларга эълон қилинади.


Телеграм каналига ахборот ресурсларни мурожат манзиллари (ссылка)ни жойлаштиради. Масалан: Ахборот технологиялари кафедрасида “Компьютер таъминоти” фани бўйича қуйидаги (guldu\_kt номли) телеграм канали очилган (2-расм) ва қуйидаги мурожат манзили (ссылка)ни ўқитувчи телеграм каналига жойлаштирган:

<https://drive.google.com/drive/u/1/folders/1jn857DgtnUzk3Eubbr0I0rAKQkVgrDQs>



**2-расм. guldu\_kt номли телеграм каналига мурожат.**

<https://drive.google.com/drive/u/1/folders/1jn857DgtnUzk3Eubbr0I0rAKQkVgrDQs> - бу гипермурожатга кирилса “Компьютер таъминоти” фани бўйича ресурслар google диск дан чақирилади (3-расм).



**3-расм. “Компьютер таъминоти” фани бўйича ресурслар**

Талаба керакли мавзуни танлаб, танишиб чиқиши мумкин. Агар 1-мавзу танланганда мавзуга оид маъруза материали, тақдимот слайдлари, амалий машғулот ишланмалари ва бошқа ахборот ресурслар экранда намоён бўлади (4-расм).



**4-расм. 1-мавзу бўйича ахборот ресурслар.**


Талабалар мавзуга оид материалларни танласа экранда танлаган материаллар мазмуни он-лайн офис дастурлари ёрдамида номойиш этилади (5-расм).

**1-MAVZU: KOMPYUTER TA'MINOTI VA UNING TURLARI**

Reja:

1. Shaxsiy kompyuterning tashkiliy qismlari
2. Kompyuterning interfeysi
3. Kompyuterlarda tizimli shina va uning turlari

Ma'lumki, axborot texnologiyalarining inson faoliyati hamma jabxalarga kirib borish jarayoni borgan sari rivojlanib chuqurlashib bormoqda. Umumiy soni, ko'p yuz milliiondan oshib ketgan, keng tarqalgan shaxsiy kompyuterlardan tashqari, hisoblash tizimlarining maxsus vositalari ham ko'payib bormoqda. Bu turi-tuman hisoblash texnikasidan foydalanuvchilar



**5-расм. 1-мавзу бўйича маъруза матни ва тақдимот материали.**

**Хулоса.** Фан, таълим, техника ва технологиянинг ривожланиши турли мамлакатлардаги олим, педагог ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги, илмий-тадқиқот ишларнинг интеграцияси натижасида амалга оширилиши кузатилмоқда. Айниқса, ахборот технологиялари соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари hozirgi ахборот асрида алоҳида аҳамиятга эга. Шундай экан, таълим олиш, илмий-тадқиқот ишларини бажаришда халқаро ахборот

ресурслардан унумли фойдаланиш йўлга қўйилса, таълим ва илмий-тадиқот соҳасидаги халқаро интеграция муаммоларига амалий ечим топилади.

Умуман ўқув жараёнида булутли технологиялардан фойдаланишнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

- таълим олувчиларга бевосита компьютер клавиатураси ёрдамида тайёрланадиган ёки аввалдан компьютер хотирасида файл ёки компьютер дастури кўринишида сақланаётган маълумотларни узатиш;

- ўқув ахборотларини, уларни принтерда чоп этиш имконияти билан компьютер хотирасида сақлаш;

- компьютер экранида матн ва графикларни намойиш этиш;

- қабул қилинаётган ва узатилаётган матнли маълумотларни тайёрлаш ва таҳрир қилиш;

- ўргатувчи компьютер дастурларидан фойдаланиш ва уларни узатиш.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуқодиров А.А., Тоштемиров Д.Э. Таълим муассасаларида ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланиш методикаси. Монография. Гулистон: Университет, 2019. - 232 б.

2. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. Т.: Фан. 2009. - 146 б.

#### **References:**

1. Abduqodirov A.A., Toshtemirov D.E. Ta'lim muassasalarida axborot- kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish metodikasi. Monografiya. Guliston: "Universitet", 2019. - 232 p. (in Uzbek).

2. Abduqodirov A.A., Pardaev A.X. Masofali o'qitish nazariyasi va amaliyoti. Monografiya. T.: Fan. 2009. - 146 p. (in Uzbek).